

А Ж Р И М

2025 йил сентябрь ойининг 4 кунида жиноят ишлари бўйича Сарийосиё туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Т.Б.Тилавов, Д.Абдуқаҳҳоровнинг котиблигида, томонлардан Сарийосиё туман прокурорининг ёрдамчиси К.Ҳакимов ва Узун туман ИИБ ЖХХ пробация гуруҳи катта инспектори Э.Шаймардоновнинг иштирокида, Узун туман ИИБ бошлиғининг “Маҳкум Алмардонов Холмўмин Гулматовичга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисида”ги тақдимномани ва маҳкумнинг йиғма жилдини кўриб чиқиб қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Алмардонов Холмўмин Гулматович 1975 йил 20 май куни Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Узун тумани “Абу хурайра” фермер хўжалигида ишчи вазифасида ишлайди, Узун тумани, “Оқостона” маҳалласида яшайди.

Ушбу жиноят иши бўйича маҳкум 2024 йил 23 апрель куни жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг ҳукмига биноан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 22.11.2024 йил жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди томонидан ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 2 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ойлик иш ҳаққининг 20 фоизини давлат даромадига ундириб бориш шартли билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Суд мажлисида Х.Алмардонов содир этган жиноятдан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандини қўллаб, ўзини ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишини сўради.

Суд мажлисида Узун туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори Э.Шаймардонов тақдимномани тўлиқ қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам маҳкума Х.Алмардонов шу кунгача тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 9 ой 1 кунини ўтаб, содир этган жиноятдан тўғри ҳулоса чиқариб олганлигини билдириб, маҳкумни тайинланган жазодан шартли равишда озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 1-қисмида “Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қушимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд



тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2016 йил 27-декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 19-бандида “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома қаноатлантирилганда, маҳкумга, тегишлича, ЖКнинг 73-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган қоидаларни тушунтириши лозим” деб белгиланган.

Суд, иш бўйича томонларнинг фикрини эшитиб, маҳкума Х.Алмардоновни ижобий тавсифланганлигини, жазони ўташ даврида меҳнатга ҳалол муносабатга бўлиб, давлат даромадига ўтказиши лозим бўлган сумма фоизларини ўз вақтида ўтказиб келганлигини, содир этган жиноятдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини, қилган ишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини, ижобий тавсифланганлигини ҳамда ушбу кунга қадар тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 9 ой 1 кунини ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, Узун туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни ҳамда Х.Алмардоновни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисми 1 йил 5 ой 23 кундан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этишликни лозим топади.

Бинобарин суд юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423 ва 536-моддаларини қўллаб

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Узун туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Алмардонов Холмўмин Гулматович тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисми, яъни 1 йил 5 ой 23 кундан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилсин.

Алмардонов Холмўмин Гулматович жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинланиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ажримни ижро қилиш Узун туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ажрим ўқиб эшиттирилган вақтдан қонуний кучга кирсин.

Ажримдан норози томон ажрим устидан ЖПКнинг 499-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) беришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

Т.Б.Тилавов

